
Марғилон шаҳрида “Ёшлар дафтари” да рўйхатда турувчи 30 нафар фуқароларга “ВС” тоифадаги ҳайдовчилик курсида имтиёзли равишда ўқиш учун сертификатлар топширилди

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марғилон шаҳар ўқув спорт техника клубида “Ватанпарвар” ташкилоти – менинг танловим!” шиори остида “Очиқ эшиклар куни” тадбири ўтказилди.

Ёшларни ҳарбий – ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган тадбирда сўз олганлар томонидан бугунги кунда республикамизда “Ёшлар дафтари” га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар алоҳида эътироф этилди.

Шундан сўнг “Ватанпарвар” ташкилоти Марғилон шаҳар ўқув спорт техника клубида “ВС” тоифадаги ҳайдовчилик курсида имтиёзли равишда ўқиш учун 30 нафар “Ёшлар дафтари” да турувчи фуқароларга сертификатлар топширилди.

Тадбир давомида ўқув автомобиллари, спорт техникалари ва инвентарлари кўргазмаси, шунингдек, қурол-аслахалар намойиши ҳам ташкил этилди.

2022-02-09 15:57:12